

**ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИЛИШИДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШНИ
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****¹А.А.Худойбердиев**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси доценти
ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент,**²А.Э. Машарипов**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси катта
ўқитувчиси.<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574853>

Аннотация.Мақолада оммавий тадбирларни ўтказишда ички ишлар органлари жамоат тартибини таъминлаш бўйича ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: Оммавий тадбир, ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий мажбурлов, огоҳлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги ҳозирги кунда олиб бораётган самарали ишлари натижасида республикамизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда, бу эса ўз навбатида мамлакатимизда демократик ислохотларни давом эттириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга имкон яратади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги барча ҳаракатлари аввалом бор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида бўлишини таъминлаш лозим. Республикамизда ҳар йили ўтказиладиган ўртача 16 мингдан зиёд оммавий тадбир даврида ички ишлар органлари ходимлари (730 минг кишилар куни хисобида) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этадилар. Агар биз бу оммавий тадбирларда 50 млн.дан ортиқ фуқароларни иштирок этишини инобатга олсак, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий, ташкилий ва амалий тадбирларни фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги масъулияти ҳамда мураккаб томонларини яққол англашимиз мумкин. Ҳозирги кунда Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқий асосини бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлар ташкил этиб, уларда ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташкил этилди ва ушбу қарорнинг 2-банди билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Низом ва унинг марказий аппарати структураси тасдиқланди. Ушбу қарор билан Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифаси этиб-фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва жинойятчиликка қарши кураш белгиланди. Мазкур қарор Мустақил республикамиз Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқий мақомини белгиловчи биринчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилади.

Ҳозирги кунда Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар оргинлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган ва 2017 йил 16-март кунидан кучга кирди[1]. Демократик давлат қурилишининг асосий принципларидан бири бўлган кўп партиялик сиёсий, давлат бошқарув тизимига ўтилиши, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш”[2]ни белгилаб қўйилган. Ички ишлар вазирлиги тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг вазифалари ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони ва 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу Фармон асосида Ички Ишлар Вазирлиги тизимларида ислохотлар бошланди. Янгидан ташкил этилган ички ишлар органлари хизматларини асосий вазифаси этиб, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш белгиланди. Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Қабул қилинган Фармон ва қарорлар асосида қисқа муддат ичида Ички ишлар органлар томонидан жамоат хавфсизлигини ошириш борасида сезиларли ишлар олиб борилди ҳамда уларни фаолиятини мукамаллаштиришга эришилди. Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисида низом тасдиқланди, ушбу низом бўйича қуйдагилар белгиланди:

- Бош бошқарма аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари бўйича ички ишлар органлари бўлинмалари, вазирлик ва органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкилий-услубий таъминлашни амалга оширади.

- жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни, шу жумладан оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва ўзга турдаги ваколатхоналари, бошқа объектлар ҳамда юкларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланишини ташкил қилиш, шунингдек муомалада бўлиши чекланган предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ташиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

- жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида, аҳоли гавжум бўладиган жойларда

ҳамда Ҳавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини таъминлаш;

- оммавий тадбирлар ўтказиш объектларида ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, айрим дипломатик объектлар, ўта хавфли ва махсус юкларни қўриқлаш бўйича шартномавий-ҳуқуқий асосда хизматлар кўрсатиш;
- муҳандислик-техник воситалардан, шунингдек ички ишлар органларининг саф ҳамда тезкор бўлинмалари куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда оммавий тадбирлар ўтказиш объектларига, аҳоли гавжум бўладиган ва Ҳавқулодда ҳолатлар юзага келган жойларга бориш йўлларининг тўсилишини ташкил этиш ва уларни ўраб олиш чегараларини ҳосил қилиш;
- оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ички ишлар органлари ҳамда бошқа вазирлик ва органларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ташкилий-услубий таъминлаш;
- аҳоли гавжум бўладиган жойларда, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ҳамда хорижий давлатларнинг расмий делегациялари ташрифи чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этиладиган ички ишлар органлари бўлинмаларининг, вазирлик ва органларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- оммавий тадбирлар ўтказиш объектлари ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда, шунингдек Ҳавқулодда вазиятлар юзага келганда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳамда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашнинг замонавий усуллари, воситалари ва тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш[3];

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида мувофиқ шаҳар (туман, транспорт) ички ишлар бўлимларининг ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари бош бухгалтерлари, катта инспекторлари, катта муҳандислари, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни назорат қилиш бўлинмалари (гуруҳлари) катта инспекторлари, паспорт бўлинмалари бошлиқлари ва доимий равишда оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда фаолият олиб боровчи жамоат тартибини сақлаш гуруҳлари катта инспекторлари лавозимлари офицерлар таркиби томонидан эгалланиши[4] белгиланди ва оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, шунингдек аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиш, вазирлик ва органларнинг бу борадаги фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ҳамда мувофиқлаштириш қаттиқ қилиб белгилаб берилди. Мазкур фармон билан Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари янгидан замон талаби асосида белгилаб берилди. Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлиги – махсус давлат хизмати бўлиб, фуқароларни конституцион ҳуқуқини ҳамда Давлат ва жамият манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, ишончли жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ишончли жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар органларида замонавий услуб ва жанговар, тезкор ҳаракат қиладиган энг замонавий криминалистика воситаларини ишлата оладиган мукамал касб маҳоратига эга ходимларни шакллантириш зарур эди. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги қарори билан ички ишлар органларида сержантлар лавозимлари кўпайтирилиб, вазирлик Академиясида сержантлар тайёрлаш олий курслари ҳамда жойларда бевосита Ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи сержантларни қайта тайёргарлик бўйича мактаблар ташкил этилди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда 3919-сонли қарори бўйича малака ошириш институти ташкил қилинди. Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилиш шарафли ва масъулиятли вазифа эканлиги республикамиз раҳбарияти томонидан доимо эътироф этилиб келинган. Ушбу касб ходимларини янада улуғлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Республикамизда юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар органлари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органларининг юқоридан қуйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ–тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Бундай ўзгариш ва ислоҳотлар биринчи галда уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний муомласига қарши курашни кучайтиришга, тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва профилактика хизмати ролини оширишни таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ички ишлар органларининг ҳуқуқ–тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи мустақиллик йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб, шу кунга қадар чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кундаги ички ишлар органларининг фаолияти тўлиқ ҳуқуқий тизимини яратиш учун юқорида санаб ўтилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар айниқса, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини

таъминлашда ички ишлар органлари ходимлари ҳаракатларини маъмурий ҳуқуқий жихатдан таъминлаш етарли эмас. Ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий-огоҳлантириш чораларини ва маъмурий чеклаш чораларини қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо тайинлаш ҳақидаги қарорларни бажариш ҳақидаги оғзаки ва ёзма кўрсатмалар аслида бошқарувга доир аниқ ҳужжатлардир. Жамоат тартибини сақлаш субъектлари бошқарувнинг аниқ масалаларига доир маъмурий ҳуқуқий ваколатларини амалга оширишлари чоғида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишини, бу муносабатларда ҳар иккала томон ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунончи, ички ишлар органлари бажариши мажбурий бўлган фармойиш бериш талаб қўйиш ва жазо тайинлаш тўғрисида қарор ҳуқуқини амалга оширар экан айни вақтда ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилишга, республика Конституциясининг шахсни ҳурмат қилиш, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабларини бажаришга қатъий амал қилишга мажбурдир. Фуқаролар эса Конституциясида белгилаб қўйилган бурчлари ва мажбуриятларини, шунингдек, ички ишлар органи ходимларининг қонуний талаблари ва фармойишларни бажаришдан ташқари ўз шаъни ва қадр қимматини шунингдек, бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир. Жамоат тартибини маъмурий муҳофаза қилиш субъектлари таъсир ўтказишнинг маъмурий ҳуқуқий шаклларида ташқари ташкилий шаклларида ҳам кенг фойдаланадилар. Таъсир ўтказишнинг ташкилий шакллари маъмурий ҳуқуқий шаклларида фарқли равишда одамларга бевосита эмас, балки, билвосита таъсир қилади, улардан муайян ҳаракатларни содир этишга ёки бундай ҳаракатлардан тийилиб туришга истак уйғотади, жамоат тартибини сақлаш учун қулай шароит яратади.

Шундай қилиб жамоат тартибини маъмурий ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат органлари ва айрим жамоат ташкилотларини мазкур соҳада кундалик жараёнларини тартибга солишга ва уларни номақбул таъсирдан ҳимоя қилишга доир ижро этиш ва фармойиш фаолиятидир.

Ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар уч босқичда амалга оширилади: тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва якуний босқичлар. Рухсат этилган оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш босқичида ички ишлар органлари томонидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифалари бевосита ички ишлар органларига юклатилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу вазифа ва функцияларини бажаришда ички ишлар органлари ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқий мажбурлов чоралари қўлланилади. Россиялик олим Ю.М.Козловнинг кўрсатиб ўтишича[5], – “маъмурий мажбурлов асосий мақсад эмас, балки давлат мажбурловининг бир кўриниши бўлиб, ундан ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг охириги воситаси сифатида фойдаланилади”. Маъмурий мажбурлов чораларидан ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва чеклаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқишни, шунингдек, тегишли равишда жамоат тартиби ва

хавфсизлигини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланилади. Кенг маънода маъмурий мажбурлаш–маъмурий ҳуқуқий нормаларда ифодаланган хулқ–атвор қоидаларининг ижро этилишини таъминлайди. Маъмурий мажбурлов, одатда суддан ташқари қўлланиладиган чоралар бўлиб, ички ишлар органлари томонидан уларнинг кундалик фаолияти жараёнида қўлланилади.

Маъмурий мажбурлов, Х.Р.Алимовнинг фикрича, – “Инсонларнинг онгига ва хулқ атворига руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш услуги бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида айбдор шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва чеклаш мақсадида қўлланилади”[6]. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудлардаги мавжуд бўлган барча коммунал хизмат кўрсатиш, электр қуввати ва қонализация тармоқларининг иш ҳолатини ҳамда уларнинг хавфсизлигини ички ишлар органларини махсус хизматлари, кинолог, сапёр, ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳамда фавқулотда вазиятлар вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда текшириб чиқиш тадбирлари. Ушбу тадбирларни ўтказишни ҳуқуқий асоси сифатида ҳозирги кунда фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қарорларини кўрсатишимиз мумкин. Ушбу тадбирларни ўтказишни ҳуқуқий асоси ҳозирги кундаги маъмурий қонунчилигимизда тўлиқ мустаҳкамланмаган. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудларда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар яшайдиган биноларда террористик–қўпоровчилик ҳаракатларни олдини олиш мақсадида подвал ва чердакларни текшириб чиқиш ҳамда уларни ёптириш тадбирлари. Ушбу тадбирлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ асосини топмаган бўлсада, ички ишлар органлари ходимлари томонидан мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Айрим ҳолларда хавфсизлик нуқтаи назардан фуқаролардан яшаш уйлари ойналарини очиш, болконларига чиқиш ҳам ман этилади. Жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини поймол бўлишини олдини олиш мақсадида ички ишлар органларининг ҳаракатларини ҳуқуқий тартибга солиш лозим бўлади.

Оммавий тадбир даврида ички ишлар органлари томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туриладиган шахсларни аксарияти тадбир ўтказиладиган жойларда ташкил этиладиган махсус жойларда, хоналарда ёки штаб қошида ташкил этилган суриштирув гуруҳларида ушлаб турилади ҳуқуқбузарлар билан дастлабки тегишли суриштирув ишлари ўтказилгандан таянч пунктларига ёки ички ишлар органларига олиб борилади. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 284-моддасида ҳуқуқбузарларни фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи биносига, милиция таянч пункти ва ички ишлар органларига олиб борилиши белгиланган. Лекин оммавий тадбирлар даврида жамоат тартибини бузган ҳуқуқбузарларни ички ишлар органларида ташкил этилган алоҳида жойларда ушлаб туриш белгиланмаган.

Юқорида қайд этилган муаммоли ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 284-моддасига тегишли қўшимча киритиш тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаси бўйича таклиф киритиш лозим бўлади.

References:

1. «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.016.ЎРҚ-407-сон
3. «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 май (ПҚ-2940) қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.
5. Ю.М.Козлов. Административное право М.Юрист 2003. 160–164 бетлар.
6. Административное право Республики Узбекистан \ Алимов Х.Р., Соловев Л.И. и др.\ Т. “Адолат” 1999. 193–195 бет.